

ҲИМОЯЛАНИШ ҲУҚУҚИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТУШУНЧАСИ

Абдуқаххоров Сарварбек Абдусамат ўғли

ИИБ Академияси Жиноят ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида — инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиб, ушбу ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши, 28-моддасида — айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилиши, 55-моддасида эса ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши мустаҳкамлаб қўйилган¹.

Мазкур мақолада ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга оид айрим тушунчалар, жумладан “ҳимоя”, “ҳимоячи” ва “ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш” тушунчалари уйғунликда тадқиқ этилди, чунки улар мазмунан ўзаро боғлиқ бўлиб, бирига аниқлик киритмай туриб, бошқасининг маъносини тўлиқ ёритиш қийин.

Мазкур тушунчалар шартли равишда ўзаро фарқланишига қарамай, уларнинг семантик бирлиги йўқолмайди, зеро улар гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлашга хизмат қиладиган конституциявий принципнинг ифодасидир².

Дастлаб “**ҳимоя**” сўзига оидлик киритиб оламиз.

“Ҳимоя” сўзига “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “1. Ёрдам, қўллаб-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // URL: <https://lex.uz/docs/6445145> (мурожаат вақти: 22.04.2024).

² *Бородинова Т.Г.* Право на получение квалифицированной юридической помощи в уголовном судопроизводстве России: современные проблемы реализации в судебной практике / Т. Г. Бородинова, И. В. Губко // Теория и практика общественного развития. — 2021. — № 8 // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/pravo-na-poluchenie-kvalifitsirovannoy-yuridicheskoy-pomoschi-v-ugolovnom-sudoproizvodstve-rossii-sovremennye-problemy-realizatsii> // (мурожаат вақти: 14.11.2021).

қўлтиқлаш, ҳомийлик; 2. Судланувчи тарафини олиб қилинадиган хатти-ҳаракат, айтиладиган фикр-мулоҳаза, оқловчи томон”³ деган таърифлар берилган.

В. И. Даль эса “ҳимоя” сўзи “мудофаа, қўриқлаш, қалқон, ён босиш” маъноларини англатишини таъкидлаган⁴.

Р. Р. Валюликнинг фикрига кўра, жиноят процессида “ҳимоя” тушунчаси фақат жиноий жавобгарликка тортилаётган шахс билан боғлиқ торроқ маънода қўлланилади. Шу маънода “ҳимоя” тушунчаси учта процессуал функциядан бири, яъни ҳимоялаш, айблаш, ишни моҳиятан ҳал қилиш маъноларини англатади⁵.

Д. В. Шарапова ҳимоя деганда айбланувчи, шунингдек унинг ҳимоячисининг жиноий таъқибга қарши онгли, мақсадли фаолиятини тушунади⁶.

Б. Н. Рашидов “ҳимоя” тушунчасини “айбловни рад этиш ва айбланувчининг айбсизлигини аниқлаш ёки жавобгарлигини енгиллаштиришга қаратилган ўзига хос процессуал фаолият”⁷ сифатида таърифлаган.

Э. В. Горбачёва “ҳимоя” сўзига жиноят-процессуал нуқтаи назардан ёндашган: “Ҳимоя айбланувчи ва гумон қилинувчини қонунга хилоф ҳаракатлардан ва уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, манфаатлари ноқонуний бузилиши ва чекланишидан сақловчи жиноят-процессуал фаолиятдир”⁸.

Д. М. Чориеванинг фикрича, ҳимоя — юзага келган гумон, эълон қилинган айбловни рад этиш ёки жавобгарликни енгиллаштириш мақсадида ҳимоя тарафи томонидан гумонни юзага келтирувчи ҳолатларга эътибор

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Ҳ” харфи / А. Мадвалиев таҳрири остида. — Т., 2020. — Б. 66.

⁴ Даль В.И. Толковый словарь живого великорусского языка // URL: http://www.ets.ru/pg/r/dict/dal_dic.htm (мурожаат вақти: 05.08.2021).

⁵ Валюлин Р.Р. Проблемы участия адвоката-защитника в процессе доказывания по уголовному делу // Юридическая наука. — 2021. — № 7. // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-uchastiya-advokata-zaschitnika-v-protseesse-dokazyvaniya-po-ugolovnomu-delu/viewer> // (мурожаат вақти: 13.11.2021).

⁶ Шарапова Д.В. Участие защитника в суде апелляционной инстанции: Дис. ... д-ра юрид наук. — М., 2017. — С. 18.

⁷ Рашидов Б.Н. Жиноят-процессуал ҳуқуқ. — Т: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. — Б. 31.

⁸ Горбачева Е.В. Функции защиты как необходимый элемент состязательного процесса // Сибирский юридический вестник. — 2003. — № 4. // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/funksii-zaschity-kak-neobhodimyy-element-sostyazatel'nogo-protseessa/viewer> (мурожаат вақти: 30.01.2022).

қаратиш, жиноят содир этилганлигига оид маълумотларнинг, жиноят ишини кўзғатиш учун асос бўлган ҳолатларнинг асослилигини текшириш, далиллар тўплаш ва уларни тақдим этиш асосида исбот қилишни амалга ошириш, терговга қадар текширув органи мансабдор шахсининг, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан шикоят беришдан иборат бўлган ҳамда ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки маҳкумнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалашга, ноқонуний равишда бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган процессуал фаолиятдир⁹.

Мазкур таърифларни таҳлил қилар эканмиз, Д. В. Шарапова, Э. В. Горбачёва ва Д. М. Чориева ҳимояни амалга оширувчи шахсларнинг тўлиқ рўйхатини шакллантирмаганликларига гувоҳ бўламиз. Масалан, ҳимоя деганда Д. В. Шарапова — айбланувчи ва унинг ҳимоячисининг жиноий таъқибга қарши фаолиятини, Э. В. Горбачёва — айбланувчи ва гумон қилинувчининг, Д. М. Чориева эса ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва маҳкумнинг процессуал фаолиятини тушунади.

Маълумки, жиноят процессида адвокат: гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи томонида иштирок этса — ҳимоячи мақомида бўлади (ЖПК, 49-модда), жабрланувчи томонида қатнашса — вакил ҳисобланади (ЖПК, 62-модда). Назаримизда, адвокатнинг бундай мақомларда бўлиши бежиз эмас. Чунки, жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органларининг мансабдор шахслари жиноят ишида иштирок этаётган гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига гумон қилиш ёки айблаш шаклида хужум қилади. Натижада гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳуқуқлари бузилиши, чекланиши билан боғлиқ реал хавф юзага келади. Шу боис адвокат бундай вазиятда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи томонида иштирок этиб, уни ана шундай хужумдан ҳимоя қилади.

⁹ Чориева Д.М. Ишни судга қадар юритишда ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтириш масалалари: Юрид. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дис. автореф. — Т., 2022. — Б. 19.

Жабрланувчига нисбатан эса унинг ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ хавф мавжуд бўлмайди; чунки суриштирувчи, терговчи, прокурор жабрланувчининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва ҳақиқатни аниқлаш мақсадида ҳаракат қилади. Шу боис ҳам жабрланувчи тарафида иштирок этадиган адвокат жиноят процессида *вакил* деб номланади ва асосан, жабрланувчини турли ҳуқуқ бузилишларидан ҳимоялашга эмас, балки унинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳамда қонуний манфаатларини тўлиқроқ ва кўпроқ ифодалашга ҳаракат қилади.

Мазкур мисолдан келиб чиқиб айта оламизки, ҳуқуқлари бузилиши ёхуд чекланиши учун ҳақиқий хавф мавжуд бўлган шахсларга юридик хизмат кўрсатувчи адвокатлар ушбу иш доирасида *ҳимоячи* деб номланади.

Юқоридагилардан хулоса чиқарадиган бўлсак, жиноят процессида ҳимоя деганда ушбу жараёнда ҳимоячи олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ва уларнинг ҳимоячиси амалга оширадиган айбсизликни исботлаш ёхуд жавобгарликни енгиллаштиришга, шунингдек бузилган ҳуқуқларни тиклашга қаратилган процессуал фаолият тушунилади.

Мазкур таъриф асосида “ҳимоячи” тушунчасига ойдинлик киритиш лозим бўлади. Чунки, назаримизда, амалдаги ЖПК ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда “ҳимоячи” сўзига берилган таърифларда унинг мазмуни тўлиқ очиб берилмаган. Шу сабабли ҳам мазкур масала адабиётларда кўплаб мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Масалан, Г. З. Тўлаганова ва С. Р. Базаров “ҳимоячи”га ҳуқуқий жиҳатдан қуйидагича таъриф берганлар: “Ҳимоячи — қонунда кўрсатилган тартибда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг “ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга шахсдир”¹⁰.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳимоячи сўзига “қўллаб-қувватловчи, ёрдам берувчи, хомий” тарзида таъриф берилган¹¹.

¹⁰ Тўлаганова Г.З. Жиноят ишларида адвокатнинг иштироки / Г. З. Тўлаганова, С. Р. Базаров. — Т., 2009. — Б. 7.

¹¹ URL:

https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20H.pdf
www.tadqiqotlar.uz

Амалдаги ЖПКнинг 49-моддаси биринчи қисмида “ҳимоячи” тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “Ҳимоячи гумон қилинувчиларнинг, айбланувчиларнинг, судланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир”¹².

ЖПКнинг 51-моддаси биринчи қисмининг 9-бандида кассация суди кўрадиган ишларда ҳимоячи иштирок этиши лозимлиги белгиланган. Ушбу босқичларда ҳимоячи маҳкум ёки оқланган шахсни ҳимоя қилади. **Украина**¹³, **Қозоғистон Республикаси**¹⁴ ва бошқа бир қанча МДХ давлатларининг жиноят-процессуал кодексларида ҳимоячи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкум ва оқланган шахсга юридик хизмат кўрсатувчи субъект сифатида таърифланган. Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, мазкур давлатларнинг қонун ҳужжатларида ҳам “ҳимоячи” тушунчасига тўлиқ таъриф берилмаган. Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 51-моддаси биринчи қисми 8-бандига мувофиқ тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларда ҳимоячи қатнашиши шарт бўлиб, бунда у гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига эмас, балки ЖПКнинг 578-моддасида кўрсатилган ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш масаласи кўрилатган шахсга хизмат кўрсатади.

Гап ҳимоячи хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган процесс иштирокчилари борасида кетганида жиноят иши қўзғатилгунига қадар текширилатган ҳодисани содир этишда гумон қилинаётган шахснинг ҳуқуқий мақоми ЖПКда аниқ белгиланмаганлигига алоҳида тўхталиб ўтишимиз жоиз, чунки бу вақтда шахсга гумон қилинувчи ҳуқуқий мақоми берилмайди. Тўғри, терговга қадар текширув вақтида ЖПКнинг 221-моддасида кўрсатилган асосларга кўра ушлаб турилган шахс гумон қилинувчи ҳисобланади ва гумон

¹² Жиноят процесси / Д. М. Миразов, И. Э. Хожаназаров, Ш. Н. Бердияров. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. — Б. 56.

¹³ Уголовный процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года № 4651-VI (с изменениями и дополнениями по состоянию на 01.01.2023 г.) // URL: https://continent-online.com/Document/?doc_id=31197178 (мурожаат вақти: 03.02.2023).

¹⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (По состоянию на 07.03.2023) // URL: // https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575852 (мурожаат вақти: 10.03.2023).

қилинувчига берилган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан, ҳимоячи олиш ҳуқуқидан фойдаланади¹⁵. Лекин, озодликда юрган бўлса-да, ўзида содир этилган ижтимоий хавфли қилмишга алоқадор излар топилганлиги ёки бошқа маълумотлар борлиги сабабли, терговга қадар текширув ўтказаетган ваколатли мансабдорнинг шубҳаси остида бўлган шахслар бундай ҳуқуқдан фойдалана олмайди. Мазкур ҳолат ҳимоячи хизматидан фойдаланишга эҳтиёжи бўлган шахснинг манфаатлари амалдаги ЖПКда етарли даражада акс этмаганлигидан далолат беради. 2020 йил 2 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Давлат хавфсизлик хизмати раиси, Ички ишлар вазири, Фавқулодда вазиятлар вазири, Мудофаа вазири, Давлат божхона қўмитаси раиси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони томонидан имзоланган “Жиноят ва ҳодисаларга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қўшма қарорда ҳам мазкур масала бўйича айрим қоидалар келтирилган. Лекин, ушбу қўшма қарорнинг айрим қоидалари амалдаги ЖПК нормаларига зидлиги сабабли, уни тадқиқот доирасида алоҳида таҳлил этишни ўринсиз деб биламиз.

М. Э. Муминов жиноят иши кўзғатилгунига қадар жиноят содир этган шахснинг процессуал мақоми жиноят-процессуал қонунда белгиланмаганлиги шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари чекланишига олиб келаётганини тўғри қайд этган¹⁶.

Терговга қадар текширув босқичида жиноят содир этган шахснинг ҳуқуқий мақоми белгилаш масаласи юзасидан амалиёт ходимларининг фикри ўрганилганида уларнинг 69 % ушбу таклифни ижобий баҳолаши маълум бўлди¹⁷.

Бу борада бир қатор мутахассислар ўз фикрларини билдириб ўтишган.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори. Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида (2003 йил 19 декабрь, 17-сон) // URL: <https://lex.uz/docs/111460> (мурожаат вақти: 25.11.2022).

¹⁶ Муминов М.Э. Ишни судга қадар юритишда далилларни процессуал расмийлаштиришни такомиллаштириш: Юрид. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дис. автореф. — Т., 2021. — Б. 14.

¹⁷ Ботаев М.Дж. Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш: Юрид. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дис. — Т., 2020. — Б. 178.

Хусусан, М. Дж. Ботаев жиноят процессининг янги иштирокчиси сифатида “терговга қадар текширув олиб борилаётган шахс”ни қонунчиликка киритиш лозим деб ҳисоблайди¹⁸.

Д. М. Чориева ҳам жиноят-процессуал ҳуқуққа “ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс”ни киритиш керак, деган шунга яқин ғояни илгари суради¹⁹.

Аммо биз М. Дж. Ботаев ва Д. М. Чориеванинг фикрларига тўлиқ қўшила олмаймиз, чунки “терговга қадар текширув олиб борилаётган шахс” ёки “ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс” деганда ҳуқуқбузарлик содир этишда гумон қилинаётган шахсгина эмас, балки ҳуқуқбузарлик тўғрисида хабар берган аризачи, шунингдек гувоҳлар ҳам тушунилади. Зеро, масалан, жиноят иши қўзғатилишидан аввал аризачи ва гувоҳларга нисбатан ҳам тушунтириш хати олиш, экспертиза тайинлаш сингари терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилиши мумкин. Бундан мазкур муаллифлар илгари сурган “терговга қадар текширув олиб борилаётган шахс” ёхуд “ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс” атамаси нафақат ҳуқуқбузарлик содир этишда гумон қилинаётган шахсни, балки аризачи ва гувоҳни ҳам қамраб олишини кўрамиз.

Назаримизда, мазкур муаммонинг ечими сифатида амалдаги ЖПКнинг 333-моддаси учинчи қисмидаги қоидаларни асос қилиб олиш лозим. Ушбу модда жиноят иши қўзғатилишини рад этиш тартибига бағишланган бўлиб, унда терговга қадар текширув даврида текширилаётган ҳодисани содир этишда гумон қилинаётган шахсга таъриф бериш учун қонунда “ўзига нисбатан жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги масала қўйилаётган шахс” атамаси қўлланилган. Лекин, барчага маълумки, терговга қадар текширув даврида жиноят иши қўзғатилишини рад этишгина эмас, балки қўзғатиш масаласи ҳам кўриб чиқилади. Шу боис, назаримизда, юқоридаги субъектга “ўзига нисбатан

¹⁸ *Ботаев М.Дж.* Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш: Юрид. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дис. — Т., 2020. — Б. 130–138.

¹⁹ *Чориева Д.М.* Ишни судга қадар юритишда ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтириш масалалари: Юрид. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дис. автореф. — Т., 2021. — Б. 20.

жиноят иши қўзғатиш ёхуд қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги масала қўйилаётган шахс” деб ном берилса, унга нисбатан энг тўғри ва тушунарли таъриф ишлаб чиқилган бўлади.

Бу масалада халқаро тажрибага эътибор қаратадиган бўлсак, хорижий давлатларнинг кўпчилигида шахс ушланганидан бошлаб унга гумон қилинувчи мақоми берилишига гувоҳ бўламиз. Мисол сифатида **Қозоғистон Республикаси** (ЖПК, 64-моддаси)²⁰, **Озарбайжон Республикаси** (ЖПК, 90-моддаси)²¹, **Украина** (ЖПК, 42-моддаси)²² ва **Эстония Республикаси** (ЖПК, 33-моддаси)²³ келтириш мумкин. Лекин бунда шуни инобатга олиш лозимки, бу давлатларда терговга қадар текширув босқичи мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам биз мазкур вазиятда бошқачароқ йўл тутишимиз, яъни жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсга терговга қадар текширув даврида аниқ ном бериб, унинг ҳуқуқий мақомини қонунчиликда алоҳида белгилаб қўйиш йўлидан боришимиз энг тўғри иш бўлади.

Юқорида келтирилган олимларнинг фикри, ўтказилган сўровлар натижалари ва хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилиш асосида “ўзига нисбатан жиноят иши қўзғатиш ёхуд қўзғатишни рад этиш масаласи қўйилаётган шахс” деган субъектни ЖПКга киритиш ҳамда унинг ҳуқуқий мақомини қонун ҳужжатларида аниқ белгилаб қўйишни таклиф қиламиз.

Ўзига нисбатан жиноят ишини қўзғатиш ёхуд рад этиш тўғрисидаги масала қўйилаётган шахс деганда терговга қадар текширув босқичида ЖПКнинг 224-моддасида белгиланган тартибда ушланган, шунингдек озодликда юрган бўлса-да, ўзида содир этилган ижтимоий хавфли қилмишга алоқаси бор бўлган изларни топилганлиги ёхуд бошқа

²⁰ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 11.07.2021 г.) // URL: https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575852#pos=4;-106/ (мурожаат вақти: 13.07.2021).

²¹ Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики (с изменениями и дополнениями по состоянию на 08.07.2022 г.) // URL: https://continent-online.com/Document/?doc_id=30420280 (мурожаат вақти: 10.03.2023)

²² Уголовный процессуальный кодекс Украины // URL: https://kodeksy.com.ua/ka/ugolovno-protseualnij_kodeks_ukraini.htm/ (мурожаат этилган сана: 13.07.2021).

²³ Kriminaalmenetluse seadustik // URL: <https://estlex.ee/?id=76&aktid=54036> (мурожаат вақти: 13.06.2022).

маълумотлар сабабли терговга қадар текширувни амалга ошираётган ваколатли мансабдор шахснинг шубҳаси остида бўлган шахсларни тушуниш лозим.

ЖПК 49-моддасининг биринчи қисмини қуйидагича баён этиш мақсадга мувофиқ:

Ҳимоячи — ўзига нисбатан жиноят иши қўзғатиш ёхуд рад этиш тўғрисидаги масала қўйилаётган ҳамда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилаётган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкум, оқланган шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир.

Хулоса қилиб айтдиган бўлсак, таклиф этилаётган “ҳимоя”, “ҳимоячи”, тушунчаларининг таърифлари амалдаги ЖПК қоидаларининг янада аниқроқ ифодаланишига, турли тушунмовчиликларнинг олди олинишига, ҳуқуқни бир хилда қўллаш амалиёти шаклланишига, терговга қадар текширув даврида ҳам шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланишига хизмат қилади.